



20 20 у. « 28 » ноябрь

№ К-650

« ___ » ___ 20 ___ г.

**Узун тумани Б.Омонов СИУ худудидан “SAVDO
SERVIS SURXON” МЧЖга “Иссиқхона”
курулиши учун рухсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 04/022-491-сон хатига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/530-сон йиғилиш баёни ва Узун туман ҳокимининг 2020 йил 01 июлдаги 01-05/218-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/530-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани Б.Омонов СИУ худудидан “SAVDO SERVIS SURXON” МЧЖга тегишли бўлган қишлоқ хўжалик харитасининг 116қ ва 117қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 54,0 балл бонитетли 1,0 гектар суғориладиган экин ер майдони “Иссиқхона” курилиши учун рухсат берилсин.

3. “SAVDO SERVIS SURXON” МЧЖ бошлиғи М.Турсуновага:
иссиқхона учун рухсат берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона куриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида рухсат берилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов